

Барчамиз, нуқтадек сайёрамиз билан бирга Роҳманнинг қабзасидамиз



09:00 / 26.06.2021 1723

АҚШнинг фазовий тадқиқот билан шуғуланувчи агентлиги бўлмиш НАСА сайёрамизнинг ва ойнанинг ноёб расмини эълон қилди. Сайёрамизни Сатурн ва унинг ҳалқалари ёнида учиб юрган «Кассини» зонди расмга олган. Бу расм 1.4 млрд км узоқликдан олинган. Сатурннинг ҳалқалари яққол кўриниб турибди, сайёрамиз орқа фонда митти нуқта бўлиб акс этган.

НАСА ушбу расмни «Биз илк бор Ерни узоқ масофадан расмга оляпмиз» деб изоҳлаган ва бу кун 19 июль эканини эслатган. НАСА изоҳига қўшимча қилиб «Кассини» камераси илк бор Ер ва ойнанинг бир-биридан алоҳида тургани акс этган расмни олишга эришди» деган.

Расм бир нуқтадан олинган, бу пайтда қуёш зондга нисбатан сатурннинг ортида бўлган, шу боис сайёра қуёшдан келаётган нурнинг кўп қисмини тўсган. Агар нурнинг кўп қисми тўсилмаганда сайёрамизнинг расмини олиша олмасди.

Расмга олган камера 1990 йилда ишлаб чиқарилган экан. «Кассини» зонди 1997 йилда сатурн ва унинг йўлдошларини ўрганиш учун юборилган, зонд 2004 йилда етиб борган.

Расмда ишора билан кўрсатиб турилган оқиш нуқта 7 миллиарддан ортиқ одам яшайдиган Ер. У ерда одамлар туғилдилар, кексаядилар, ўладилар,

ейдилар, ичадилар, ухлайдилар, турли соҳаларда мусобақалашадилар, бир-бирлари билан урушиб, ғалаба қозонадилар, мағлуб бўладилар. Бир-бирларини ўлдирадилар, жосуслик қиладилар.

Шу дунёнинг кетидан югуриб охиратни эсдан чиқармаяпмизми?! Пул топаман деб ибодатда сусткашлик қилмаяпмизми?!

Барчамиз, шу нуқтадек сайёрамиз билан бирга Роҳманнинг қабзасидамиз.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда осмонлару ернинг қиёматдаги ҳолати ҳақида шундай деб марҳамат қилган:

تَاوَامُّسَلْاَوَءَمَّايْقُلَّالْمُؤَيُّهُتَضَبَقْأَعِيْمَجُضْرَأَلْاَوِرْدَقَّحَّءَلَّالْاَوِرْدَقْأَمَّو
نُؤَكْرَشِيْأَمَّعْأَلْاَعْتَوُهَنْأَحْبُسْ ۝ وَنِيْمَيَّبُتْأَيُّوْطَم

«Улар Аллоҳни Ўзига лойиқ қадрламадилар. Ҳолбуки, қиёмат куни ер борлигича Унинг сиқимидадир. Осмонлар эса Унинг қўлига йиғилгандир. У Зот улар ширк келтираётган нарсалардан пок ва олийдир» (Зумар сураси, 67-оят)

Аллоҳ таоло барчамизни Ўзининг ҳидоятидан айирмасин ва хотимамизни чиройли қилсин!

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади